

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 8 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) 18-24
- Раунов Холмамат*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА) 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*
FERMER XO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI
MISOLIDA) 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI
XIZMATLARI 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI 60-64

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF
ENTERPRISES 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	165-174

Гадоев Сўҳроб Жумакулович
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ 175-181

Бекжанов Дилмурод Йўлдашович
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ 182-193

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Boydadayev Abdurroхтон Tolibjon o'g'li
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) 194-200

Xayridinov Abbosxon Anvarovich
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 201-205

Quramboyev Alisher Maxsudovich
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI 206-211

Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR
MAQSADI..... 212-217

Turabova Sevara Kattaqulovna
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV 218-224

Пардаева Марҳабо Давлатовна
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ 225-233

Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI 234-240

Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR 241-246

Юсупова Феруза Зойировна
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ 247-251

Teshaboev Muhiddin Marifovich
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI 252-257

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i> LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i> DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинакуловна</i> РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i> KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i> ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i> O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili	300-305

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Абдурахманова Нодирахон</i> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i> ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i> ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	321-330

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i> TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN	
---	--

FOYDALANISH	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA)	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO‘GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD	434-441
<i>G‘ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO‘LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O‘RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA‘LIM YO‘NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i> PROFESSINAL TA‘LIM YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O‘QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH	461-469

07.00.00 – Тарих фанлари

Воҳидова Комила Абдуллозизовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Наманган Давлат Университети докторанти (DSc)

“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА

Аннотация. Мақолада 1906-1917 йилларда Туркистонда маҳаллий матбуот нашрлари, Фарғона водийси миллат зиёлилари матбуоти жумладан, Туркистон Мухторияти давлатининг расмий органи бўлган “Эл байроғи” газетаси ҳақида сўз юритилади. Газета бугунги кунга қадар алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Калит сўзлар: матбуот, миллий нашр, газета, “Эл байроғи”, жаҳид, уйғониш, Туркистон Мухторияти, Қўқон, миллат, нашриёт, илм-фан, маънавият, тараққиёт.

Vohidova Komila Abdullozizovna
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Doctoral student (DSC) of Namangan State University

ABOUT THE NEWSPAPER "EL BAYROGI"

Abstract. The article mentions local press publications in Turkestan in 1906-1917, the press of the National intelligentsia of the Fergana Valley, including the newspaper “El flag”, the official organ of the Republic of Turkestan. The newspaper has not yet been studied as a separate scientific study.

Keywords: press, national publication, newspaper, “El bayrog'i”, jadid, renaissance, Turkestan seal, Kokand, nation, publishing house, science, spirituality, progress.

Ваҳидова Комила Абдуллозизовна,
кандидат исторических наук, доцент. Докторант (DSc)
Наманганского государственного университета

О ГАЗЕТЕ “ЭЛЬ БАЙРОГИ”

Аннотация. В статье рассказывается о местных печатных изданиях в Туркестане в 1906-1917 гг., о печати интеллигенции нации Ферганской долины, в том числе о газете “Эл байраги”, которая была официальным органом Туркестанской автономии. Газета до сих пор не изучена как отдельное научное исследование.

Ключевые слова: пресса, национальное издание, газета, “Эль байраги”, жаҳид, ренессанс, Туркестанская автономия, Коканд, нация, издательство, наука, духовность, прогресс.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N01>

Кириш. Рус ҳукуматининг 1905 йил 17 октябрда чиқарган манифести натижасида Россиянинг Ўрта Осиё ва бошқа мустамлакаларида нашриёт ва матбуот

назоратининг либераллашуви юзага келди ва Туркистонда ҳам газеталар нашр этила бошланди. 1917 йилгача бутун Туркистонда маҳаллий мусулмонлар томонидан очилган босмаҳоналар, булар 1894 йилда Самарқандда, 1901 йилда Бухорода, 1904 йилда Андижонда, 1907 йилда Тошкентда, 1908 йилда Наманганда очилган эди[16:36, 8:189]. Босмаҳонанинг мусулмон эгаларидан бири Исъҳоқхон Ибрат 1908 йилда “Матбааи Исъҳоқия” номи билан машхур бўлган нашриётни очишга ҳукуматдан рухсат олган эди[3:56]. 1906-1917 йилларда Туркистонда маҳаллий газеталар нашр этилиб, улар тез ривожлана бошлади. Аввалига матбуот нашрлари Туркистондаги подшо маъмурияти томонидан ёпиб қўйилган бўлса, 1917 йилга келиб, шу йилларда ташкил этилган барча нашрлар, “Натижа”, “Турк эли”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият”, “Эл байроғи” газеталари, “Юрт”, “Чаён” журналлари аксилинқилобий журнал сифатида ҳукмрон мафкура етакчилари томонидан тугатилади ва уларнинг мол-мулки партия, совет матбуоти фойдасига мусодара қилинади[15:23].

Адабиётлар таҳлили ва методологияси. “Эл байроғи” газетасининг ўрганилиши, адабиётлар таҳлили борасида фикр юритилганда шуни эътироф этиш керакки, кўп ҳолатларда муаллифлар 1906-1917 йилларда нашр этилган газеталар ҳақида, ёки газета муҳаррири Пўлат Солиев, Ашурали Зоҳирийлар ҳақида фикр юритганда, бу газетага эътибор қаратганликлари кўринади. Бунга сабаб “Эл байроғи” газетасининг жуда кам сонлари сақланиб қолганлигидир. Жумладан, тарих фанлари доктори, профессор Д. Алимованинг “Жадидчилик феномени” номли китобида муаллиф Фарғона жадидларининг кўзга кўринган намояндаси Ашурали Зоҳирийни мухториятнинг расмий матбуот органи – “Эл байроғи” газетасида ишлаб, Туркистон Мухторияти ғояларининг ривожини ва уларнинг халқ орасида кенг тарқалишига катта ҳисса қўшганлигини эътироф этади[1:248]. Тадқиқотчилардан Т. Қозоқбаев ва М. Худойқулов томонидан ёзилган “Журналистикага кириш” номли дарслик китобида бошқа газеталар қаторида “Эл байроғи” газетаси ҳам тилга олинади ва совет ҳукумати томонидан мусодара қилинганлиги айтиб ўтилади [15:23]. Мирзо Улуғбек номидаги Миллий Университет тадқиқотчиси Д. Алиназарованинг “Обиджон Маҳмудов Фарғонада илк миллий газета асосчиси” номли мақоласида 1917 йилда очилган ўндан ортиқ жадид газета ва журналлари қаторида “Эл байроғи” газетасини эътироф этади[2:541-547]. Тилшунос олим Т.Тоғаевнинг “Ашурали Зоҳирий жадид курашчиси” номли мақоласида Зоҳирий ҳақида, бу пайтда у Мухтор ҳукуматининг нашр афкорига айланган “Эл байроғи” газетасининг муҳаррирларидан бири бўлиб хизмат қилади, деб ёзади[9:6]. Д. Жамалова “Жавоҳарлал Неру хурматида сазовор бўлган олим” номли мақоласида 1917 йил ноябрда Қўқонда Туркистон Мухториятини ташкил этилишида фаол иштирок этган миллат зиёлиларидан бўлган Пўлат Солиев Қўқон шаҳрида чоп этган “Эл байроғи” газетасининг бош муҳаррири сифатида, уни Туркистон Мухторияти ҳукумати нашрига айлантиришга катта ҳисса қўшганлигини эътироф этади[4]. Бундан кўринадики, “Эл байроғи газетаси” бугунги кунга қадар махсус тадқиқот манбаи сифатида ўрганилмаган.

Муҳокама. Фарғона жадидларининг кўзга кўринган намояндаси Ашурали Зоҳирий XX асрда миллий матбуот, ўз тил ва лаҳжаларида рисола, китобча нашр этилиб, адабиёти тирилмаган ҳеч бир миллат ва тоифа қолмаганлигини эътироф этиб, инсонларга мурожаат этиб, қулоғингни пахтасини олиб ташлаб тингласанг эшитасан,

қўзингни очиб чин назар билан қайси тарафга қарасанг уларни кўрасан, ҳеч бир овози чиқмаган, воизи кўринмаган қавм бўлса, у ҳам фақат биз туркистонликлар эди[6] деб эътироф этади. Туркистонда XX аср бошларида худди шундай аҳвол ҳукм суради. 1906 йилдан бошлаб Қўқонда “Садойи Фарғона”, “Тирик сўз”, “Эл байроғи” газеталари ва “Кенгаш”, “Юрт” журналлари нашр қилина бошланади. Бу газета ва журналларнинг асосий ғояси Туркистон халқининг мустақиллиги учун уларни сиёсий курашга ҳозирлай олиш эди. Бу муқаддас ишни жаҳидлар амалга ошира олдилар. Ўз матбуотлари орқали улар “Озодлик, тенглик ва адолат” ғояларини илгари суриб фаолият олиб борадилар. Жаҳидлар 1917 йилги февраль инқилобини сиёсий кураш жараёнига ўтиш билан бошлайдилар. Ўз дастурларида кўрсатилган деярли барча масалаларни, демократик давлат тузишдек сиёсий режани амалга ошириш учун ўлкани қолоқликдан чиқариш, халққа маърифат бериш, жамиятни ислоҳ қилиш олдидан Туркистонда Мухторият ҳукуматини барпо этиш, давлатни миллий қўшинига эга бўлишни таъминлаш, ўз миллий валютасини жорий қилиш, солиқлар тизимига ўзгартиришлар киритиш, ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, халқ оммасини сиёсий фаоллигини ошириш, мусулмон мактабларини таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиш каби ишларни амалга оширишга ҳаракат бошладилар. Бу ишда улар матбуот кучига таянадилар. Туркистон Мухторияти ҳукумати дастлабки демократик ҳукумат эди, албатта унга демократик матбуот зарур эди. “Эл байроғи”, “Бирлик туғи”, “Свободный Туркестан”, Известия Временного правительства Автономного Туркестана” каби ҳукумат газеталари ўзбек, қozoқ, рус тилларида нашр қилина бошланди. “Улуғ Туркистон”, “Хуррият” газеталари ҳам Мухторият ҳукуматига хизмат қила бошлади. Жаҳид матбуоти халқни ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи, миллат онгининг очқичи эканини намойиш эта олди.

Натижалар. 1917 йил сентябрь ойидан бошлаб нашр этила бошлаган “Эл байроғи” газетаси, кейинчалик Туркистон Мухториятининг расмий органи бўлиб қолди. Бу газета Туркистон Мухторияти ғояларининг ривожига ва уларнинг халқ орасида кенг тарқалишига катта ҳисса қўшиб, Мухториятнинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятига катта таъсир кўрсатади[1:248]. Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг “Нодир китоблар бўлими”да “Эл байроғи” газетасининг 1917 йилдаги сонлари, 1,(сентябрь), 8,(ноябрь), 12,(декабрь)-сонлари, 1918 йилдаги 17, 18-нашрий сонлари (январь), F-96 [сб.2] рақами остида сақланади. Бугунги кунда бу газета ҳақида қўйидаги маълумотларни келтириб ўтиш ўринлидир. “Эл байроғи” газетасининг биринчи бети “Яшасин қўшма халқ жумҳурияти” деган шиор билан бошланиб, газетага ёзилмоқ баҳоси бир йилга саккиз сўм, олти ойга тўрт сўм 50 тийин, уч ойга икки сўм 50 тийин, бир донаси 10 тийин қилиб белгиланади. Газетада адрес алмаштириш ҳам назарда тутилган бўлиб, 50 тийинлик марка ва эски адрес бирга юборилиб, адрес очиқ равшан ёзилиши талаб қилинади. Нашриётга келган мақола ва хабарларни қисқартириш ёки лозим бўлганда ўзгартириш нашриёт ихтиёрида бўлиб, марка юборилмаса мақола эгасига қайтарилмаслиги деярли газетанинг ҳар бир сонига таъкидлаб борилади. Нашриётга келадиган эълонлар ва мақолалар учун баҳо белгиланган бўлиб, агар аввалги саҳифада эълон қилинадиган бўлса ҳар сатри учун қирқ тийин, охириги саҳифа йигирма тийин қилиб белгиланади. Адрес Қўқон нашриёти, “Эл байроғи”[10] газетаси, деган ёзувлар бор. Мундарижаси ҳам биринчи бетда бўлиб, йирик ҳарфлар билан хабар сифатида

“Мусулмонлар городской думага сайлов кунлари яқинлашадир. Ғофил қолманглар” каби огоҳлантиришлар бор. “Эл байроғи” газетасига таъриф берилар экан, унинг ҳақида Фарғонанинг маркази бўлган Қўқон шаҳрида нашр қилинган сиёсий, ижтимоий, адабий, туркийча, яъни ўзбек тилидаги газета эканлиги, [11] ўқувчиларига муштарий дафтари очқлиги, барча инсонлар ўз мақолалари билан унда иштирок этишга ҳақли эканликлари эътироф этилади. Газета “Турк эли”нинг ҳозирги замондаги моддий ва маънавий эҳтиёжларидан баҳс юритиб, муваққат ҳукуматни тadbир ва сиёсатлари, ҳарбий хабарларнинг энг мувофиқлари, ҳар хил эълонлар қабул қилинади.

Газетада сиёсий жараёнларга алоҳида эътибор берилиб, биринчи саҳифадаёқ, “Русияда олти ойдан бери инқилоб давом этади”, “Шаҳар думасина ғалабасина сайлов”, “Бизнинг меҳнаткашлар”, “Доҳилий хабарлар”, “Керенский хузурида Туркистон вакиллари” ва “Уфа шаҳридан”, “Хўқанд хабарлари”, поездларнинг ҳаракатлари, “Тошканд хабарлари”, “Хўқандда “Ғайрат” кутубхонасида каби эълонлар чоп этилади. Бу газетада муҳаррир Бўлат Солиев, нашри “Ғайрат ширкати”да дейилган бўлиб, бу нашриёт кейинчалик Қўқондаги Вайнер типолитографиясига асос бўлиб хизмат қилади. “Эл байроғи” газетаси муҳаррири Пўлат Солиев 1917 йил ноябрда Қўқонда Туркистон Мухториятини ташкил этишларида фаол иштирок этган шахслардан бири саналади. Айниқса, Қўқон шаҳрида чоп этиладиган “Эл байроғи” газетасининг бош муҳаррири сифатида уни Туркистон Мухторияти ҳукумати нашрига айлантиришга катта ҳисса қўшади. Пўлат Солиев давлат ҳокимияти таркибига йирик этник гуруҳлар вакиллари кириштириш ҳақидаги ғояларни илгари сурган демократик руҳдаги зиёлилардан бири эди[4].

Қўқондаги Ғайрат кутубхонаси ҳақидаги эълонда берилган маълумотларга кўра, у ерда ҳар бир фандан баҳси арабий, форсий ва туркий мутолаа ва мактабларнинг ҳар қайси синфлари учун турли суратда мактаб китоблари кўплаб ҳозирланганлиги эътироф этилади. Мирзохона (канселария)лар учун кераклик жиҳозларнинг борлиги, баҳолари арзон, озгина зақолат берилса сўраганлари юборилиб турилиши ҳақидаги маълумотлар ҳам бериб борилади.

Газетанинг 1917 йил 8-сонида Намангандаги китоб магaзини ва ундаги китоблар сони ҳақидаги “Тиконли гул” номли хабар, “Мусулмон общественной патриотлари”, “Виждон имтихонлари”, “Очередной собранияга ҳозирлик”, Фарғона мусулмонларининг еттинчи съезди, Сўнгги телеграм, “Ташвишли хабарлар”, турли хилдаги эълонлар нашр этилади[11].

“Эл байроғи” газетасининг 1917 йил 12-сонида 12-робеул аввал, 13-декабрь кунда умум Туркистон мусулмонларининг “Мухторият байрами” бўлишлиги, Туркистон мамлакатининг ҳар жойида “Миллий сармоя” учун ионалар йиғилиши, ҳар бир мусулмон шу кунни улуғ байрам қилиб, баҳоли қудрат ёрдам беришлари таъкидланади. Газета “Мухториятли Туркистоннинг муваққат ҳукуматидан”, “Тошканд воқеалари муносабати ила”, “Мухториятга Туркистон мусулмонларининг шодлик намойишлари”, “Ташвишли воқеа”, “Туркистон воқеалари”, “Мухториятли Туркистоннинг муваққат халқ шўроси”, “Озиқ масаласи”, турли эълонлар каби мақола ва матнларни эълон қилиб боради[12].

“Эл байроғи” газетаси 1918 йилдан Туркистон Мухторияти нашри бўлганлиги сабабли юқоридаги сиёсий жараёнларга оид мақолалардан ташқари газетанинг юқори

қисмида катта ҳарфлар билан “Яшасин Туркистон жумҳурияти” каби сўзлар ўрин олади. Газетанинг 1918 йилдаги сонлари “Мухториятли Туркистон муваққат ҳукумати” номидан чиқа бошлайди. Туркистондаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, миллий-маънавий соҳаларни ривожлантириш ва давлатни мустақамлашга қаратилган жараёнлар газета саҳифаларида ёритиб борилади. Газетанинг 1918 йил 17-сонида муваққат миллат мажлисининг қарори билан ўттиз миллион сўмлик олти фоизлик халқ заёми (давлат қарзи) ишлаб чиқилади. Мазкур заём ўн йил муддатда тўлаб берилиши маълум қилинади[13]. Газетанинг сақланиб қолган ва 1917 йилда нашр қилинган 1, 8, 12 сонлари Қўқон шаҳрида жойлашган Вайнер типолитографиясида, Бўлат Солиев муҳаррирлиги остида чиққан бўлса, 1918 йилда нашр қилинган 17-сонида эса муҳаррир Бўлат Солиев билан бирга Ашурали Зоҳирий номи ҳам муҳаррир сифатида тилга олинади. 1918 йилдан Ашурали Зоҳирий “Эл байроғи” газетасида ҳам фаолият бошлайди. “Эл байроғи” газетасида Чўлпоннинг турк халқининг ғалабаси ҳақидаги “Озод турк байрами” шеъри чоп этилади. Газетанинг Қўқондаги “Ғайрат” ширкатида чиқарилаётгани, номи ҳам ўзгариб, “Вақтинчалик Туркистон автономиясининг халқ совети типографияси”, яъни рус тилида “Типография Временного Народного Совета Автономного Туркестана” деб юритила бошлайди. “Эл байроғи” газетасининг 1918- йил 17 сони 23 январда нашр қилинган бўлиб, унда “Ғайрат ширкати аъзолари диққатина”, “Ҳиммат ва ғайрат керак”, “Сиёсат оламида”, “Доҳилия хабарлари”, Хорижий хабарлар, “Туркистон мусулмон меҳнаткаш деҳқон ва аскарларининг фавқулодда биринчи қурултойи”, “Андижондаги кўнгилсиз воқеа муносабати ила муваққат ҳукуматга”, “Туркистон хабарлари”, турли хабарлар, Хўқанд хабарлари, “Мухториятли Туркистоннинг миллат мажлиси ва муваққат ҳукумати тарафидан Мухториятли Туркистоннинг хурофалилари!», Идорага мактублар каби мақолалар эълон қилинади[13].

“Эл байроғи” газетасининг 18-сони 1918 йил 26-январь санасида нашр этилади. 1918 йилда нашр қилинган газетанинг 18-сонида “Ғайрат ширкати аъзолари диққатига”, “Мухториятли миллатлар ва большевиклар?», “Расмий хабарлар қисми”, “Англайдирган вақт”, “Умид сиздан”, “Туркистон мусулмон меҳнаткаш, деҳқон ва аскарларининг фавқулодда биринчи қурултойи” 8-мажлис, “Турли хабарлар”, “Доҳилий хабарлар”, “Туркистон хабарлари”, “Миллий хабарлар”, “Телеграм хабарлари” Идорага мактублар, Эълоннома каби мақолалар ва хабарлар[14] ўрин олади. “Эл байроғи” газетасининг охириги сақланиб қолган сони 1918 йил 26 январга тўғри келади[14]. Т. Қозоқбаев ва М Худайкуловнинг “Журналистикага кириш” номли дарслик китобида келтирилишича, шу йилларда ташкил этилган барча нашрлар, жумладан “Эл байроғи” газетаси ҳам аксилинқилобий газета сифатида совет давлати томонидан тугатилади ва уларнинг мол-мулки партия, совет матбуоти фойдасига мусодара қилинади[15:23].

“Эл байроғи” газетаси Қўқонда нашр этилган бўлиб, нафақат Фарғона водийси, балки, Туркистон аҳли миллат зиёлилари томонидан тузилган Туркистон мухторияти сиёсатини ёритиб берувчи нашрий газета эди. Айниқса, бу 1918 йилдаги сонларида эълон қилинган мақолаларда аниқ ва равшан ўз аксини топади. Унинг сақланиб қолган сонларида берилган мақолалар мазмунида ҳам Туркистон аҳли томонидан тузилган мухториятчилик, миллий давлат ва уни бошқариш, халқнинг орзу умидларини рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса. XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келган матбуот таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янгилаш билан бирга Россия империясида яшаётган мусулмонлар ижтимоий–сиёсий тафаккурининг алоҳида йўналишининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. 1905 йилдаги рус ҳукумати томонидан чиқарилган манифест туфайли ўн бешдан ортиқ[5.6] нашрлар пайдо бўлди, бу эса ҳар бир кишига маълум бир эркинлик, шунингдек, матбуот эркинлигини ҳам берди. Россия ҳудудида яшаб турган мусулмонлар газета ва журналлар орқали бир-бирлари билан танишиб, бутун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан қизиқиб мулоқот қилишар эди. Мусулмон матбуоти кимнидир билимини оширишга, яна бирини ижтимоий ишларни ривожлантиришга, учинчисини эса адабий ва педагогик фаолият билан шуғулланишда фаол бўлишларига, тафаккурларини ривожланишига ва янгидан янги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилади. “Эл байроғи” газетасининг эса жуда оз, бешта сони сақланиб қолган бўлса-да, туркистонликлар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган, туб бурилиш даврида юзага келган мусулмонларнинг мустақил Туркистон Мухторияти нашри афкори эди. Бу газетадан янги ташкил этилиши керак бўлган давлатда амалга оширилиши режалаштирилган энг долзарб вазифалар ўрин олган эди. Уларни қандай амалга ошириш йўл-йўриқлари, Туркистонда яшаб турган халқнинг келгусидаги тақдири белгилаб берилган эди. “Эл байроғи” газетаси мана шу жиҳатлари билан ўз қадр- қимматига эга эди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Алимова Д. Жадидчилик феномени. –Тошкент, Академнашр. 2022. 248 б.
2. Алиназарова Д. Обиджон Махмудов – основател первой национальной газеты в Фергане. Жамият ва инновациялар – Общество и инноватсии – Society and innovations Special Issue -1, №01 (2020) / ISSN 2181-1415. 541-547 p.
3. Воҳидова К. Исъҳоқхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибратнинг тарихий илмий мероси.- Наманган, Наманган нашриёти. 2018. 56 б.
4. Жамалова Д. Жавоҳарлал Неру ҳурматига сазовор бўлган олим//Халқ сўзи газетаси. 2022 йил. 8 апрель.
5. Жадидларнинг ғоявий асослари, ютуқ ва хатолари.10 март 2022 //Саттаров Днинг т.ф.д., профессор Д.А. Алимова билан суҳбати. Жадидларнинг ғоявий асослари, ютуқ ва хатолари. 6 б. UzAnalytics.html
6. Зоҳирий А. Сўз боши.//Садойи Фарғона. 1914 йил. 3 апрель.
7. Khalid A. (1999) The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York, “University of California press”. 93 p.
8. Khalid Adeeb. Printing, publishing, and Reform in Tsarist Central Asia//International Journal of Middle East Studies, Vol. 26, no. 2. (May, 1994),189 p.
9. Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий жадид курашчиси//Материалы IV-форума гуманитарных наук “Великая степ” II. — Нур-султан. 1919.март. 6 б. [\(PDF\) Ашурали Зоҳирий — жадид курашчиси \(researchgate.net\)](#).
10. Эл байроғи газетаси.// 1917 йил, сентябрь.
11. Эл байроғи газетаси.// 1917 йил, ноябрь.
12. Эл байроғи газетаси.// 1917 йил, декабрь.

13. Эл байроғи газетаси.// 1918 йил, 23-январь.
14. Эл байроғи газетаси.// 1918 йил, 26-январь.
15. Қозоқбаев Т, Худайкулов М. Журналистикага кириш. Дарслик. –Тошкент, Фан. 2018. 23 б.
16. Holdsworth, Mary. Туркестан in the Nineteenth Century. A Brief History of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva//Central Asian Research Centre and St. Anthony's College, Oxford, 1959. 36 p.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 8 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).